O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 2-dekabr • Seshanba • 142 (27.947) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди».

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, X боб, 43-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 8 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасаддди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 1 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар республика иқтисодиёти реал сектори соҳасида жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари деб ҳисоблансин:

энг аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини фаоллаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни татбиқ этиш;

ички ва ташқи бозорларда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш;

иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш, жумладан, технологик жараёнларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда материаллар, электр ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини кескин камайтириш;

техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш;

мослашувчан нарх-наво сиёсатини амалга ошириш, жаҳон бозорларида нарх-наво конъюнктураси тез ўзгариб бораётган шароитда экспорт механизмларини такомиллаштириш.

3. Тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида белгилаб қўйилган корхоналарнинг муттасил барқарор ишлашини таъминлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлпайтириш, шунингдек, жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасидаги қўшимча омиллар ҳамда ресурсларни сафарбар этиш чора-тадбирларини сўзсиз бажариш Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг энг муҳим вазифаси этиб белгилансин.

4. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда тизимли назоратини таъминлаш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳи тузилсин.

Ишчи гуруҳи (Р.С.Азимов):

мазкур Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурининг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назоратни;

ушбу Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган ҳукумат қарорлари ва дастурлар лойиҳалари ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда тасдиқлаш учун белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

жумладан, тармоқлар, минтақалар ва алоҳида корхоналар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижаларининг мунтазам мониторинги ўтказилиши ва ҳар ойда кўриб чиқилишини;

дунёда нарх-наво ўсиши, жаҳон ва минтақа бозорлари конъюнктурасининг ўзгариши, иқтисодиёт ривожининг ички тенденциялари таҳлилидан келиб чиқиб, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тезкорлик билан киритилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини, шунингдек, экспортни кенгайтиришда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлашда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари раҳбарлари зиммасига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўриш, уларнинг асосли буюртманомалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредит ресурсларини тезкор, шу жумладан, имтиёзли асосда ажратиб бериш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 28 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 28 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-4058-СОНЛИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатлар молия-иқтисодий кризисни бошдан кечираётган таҳликали вазият вужудга келди. Жаҳон молия ва товар бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўллари изланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, аввалги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган конкрет чора-тадбирларнинг кенг комплекси иқтисодиётимизни жаҳон молия кризиси хатаридан муайян даражада ҳимоя этишга хизмат қилади. Иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг аввалги бир томонлама хомашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилган.

Айни вақтда, энг аввало, жаҳон товар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби бир қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган, ишлаб чиқаришни кейинчалик барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатилган.

Биринчи навбатда, бу — корхоналарда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишдан иборат. Энг аввало, бу иқтисодиётнинг базавий тармоқларига, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга тааллуқлидир.

(Давоми 2-бетда)

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЮКСАК ОРЗУ-УМИДЛАР ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШ

ФАОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАРДИР

Ёшлар йилининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаган. Шундан келиб чиқиб, ёшлар қанотининг II Республика конференциясида асосий вазифалар муҳокама этилиб, тегишли йўналишлар белгилаб олинган эди. Хўш, бу вазифалар қай даражада амалга оширилмоқда? Партиянинг ёш фаоллари бугун нималар билан банд? Мухбиримизнинг ЎзХДП ёшлар қаноти раиси Акмал Умаралиев билан суҳбати шу ҳақда.

— Президентимиз Ислом Каримов «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», дея алоҳида таъкидлаган эди. — Қолаверса, дейди А.Умаралиев партиямиз Дастурида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш вазифалари аниқ белгиланган. — Ана шулардан келиб чиқиб, давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, бу тизимни такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда уларнинг иштирокини кучайтиришга кўмаклашиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Шу йил баҳорда бўлиб ўтган ёшлар қаноти конференциясида ёшлар манфаатлари билан боғлиқ дастурий мақсадларимизни амалга оширишда фаол йигит-қизларни бирлаштириш, ёшлар қаноти фаолиятини самарали ташкил этиш йўл ва воситалари ҳақида аниқ кўрсатмалар берилди. Муҳими, қабул қилинган қарор ва тавсияларни татбиқ қилишга киришилди... Мисол учун бу йил партиямизнинг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари штатлар жадвалига ёшлар қаноти раҳбари лавозимлари киритилди.

Жойларда ўқув юртларини битираётган ёшлар орасида бандлик муаммосини ечиш, бўлажак етакчиларни аниқлаш, уларни келгусида партиянинг сайланма органларига сайлаш ва депутатликка номзодларини кўрсатиш, танлаган соҳасида ўз имкониятларини кенг намоён этишига кўмак бериш борасида янги иш услублари қўлланилаяпти. Булар бошлаган ҳаракатимиз амалий тус олаётганини кўрсатади. Партиямиз сафини жонкуяр ёшлар ҳисобига кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Чунки, узоқни кўзлаган ҳар бир сиёсий куч ўз сафини муносиб ёш кадрлар билан тўлдириб боришга эътибор қаратади.

(Давоми 2-бетда)

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18- ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан депутат Собир Турсунов маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида чақириш белгиланган.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқароларни чақирув участкаларида қайд қилиш январь-март ойларида амалга оширилади.

Ҳарбий хизматга чақиришни бир вақтда амалга ошириш, чақирув муддатларини мувофиқлаштириш мақсадида қонуннинг 18-моддасига ўзгартиш киритилиб, фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш муддатларини апрель-июнь ойларига кўчириш, 19-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ эса фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақириш муддатларини февраль-март ойларига кўчириш таклиф этилмоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар, соҳа мутахассислари ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУВ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Пешку туманида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш вазифаси кун тартибидаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боис, вилоят дастурига мувофиқ равишда туманда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса кўпчилик хонадон бекалари юмушини осонлаштиряпти. Яқинда Сўфилар, Аллод, Деҳдароз қишлоқларига 2,5 километр узунликда сув қувурлари тортилди.

— Туманимизда сув таъминотига жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Эркин Холов. — Энди Конравон ва Янги ҳаёт қишлоқларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш режалаштирилган.

Даврон БАҲРОНОВ

БУГУНГИ СОНДА:

• АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАР
уларнинг қай бирига қизиқиш кучли? 2

• ТАЪМИНОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МЕЗОН
табиий газнинг истеъмолчиларга бир меъёрда етказилиши тўловларнинг вақтида амалга оширилишига боғлиқ 3

Афсона ва ҳақиқат
• СИРЛИ АРҲАД

4

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА
КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 28 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-4058-СОНЛИ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Корхоналар, бирлашмалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг диққат-эътибори ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида қабул қилинган дастурларни амалга оширишни жадаллаштириш, энг илғор технологияларни жалб этиш, халқаро сифат стандартларига ўтиш зарурлигига қаратилганки, булар ташқи бозорларда ҳам, ички бозорларда ҳам барқарор ўрин эгаллаш имконини беради.

Хорижий иқтисодчиларнинг фикрича, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш, бунинг ҳисобига энг кам чиқим билан сифатли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрган мамлакатлар вужудга келган кризисдан нисбатан камроқ зарар билан чиқадилар.

Шу боисдан Фармонда базавий тармоқларни модернизациялаш борасидаги энг муҳим 11 та дастурни амалга оширишни жадаллаштириш, саноат корхоналарининг эскириб қолган ускуналари ва асосий фондларини жадал янгилаш, техник қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича ускуналар харид қилиш буюртмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, саноатда ва транспорт инфратузилмасида энг муҳим лойиҳаларни жорий этишни бошлаш ва уларни бажариш муддатларини камайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар назарда тутилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш реал маблағ манбалари билан мустаҳкамланган — корхоналарнинг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, шу жумладан, уларнинг капиталини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобидан бериладиган кредитлар, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларининг кредитлари шулар жумласидандир.

Республика корхоналари томонидан экспорт қилинадиган бир қатор маҳсулот турлари бўйича жаҳон товар бозорларидаги жорий конъюнктуранинг кескин ёмонлашуви — бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.

Қайд этилган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида, Фармонда экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан аниқ чоралар кўриш назарда тутилган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, хусусан саноатнинг базавий тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларини қатъий назоратга олиш ва иқтисод қилишнинг қаттиқ тартибини жорий этиш экспорт қилувчи корхоналар учун катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Дастурда электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар назарда тутилган.

Чора-тадбирлар Дастурида кўзда тутилганидек, электр энергетикани, ишлаб чиқариш тизимини, электр энергияни узатиш ва истеъмол қилишни кенг миқёсда модернизациялаш, энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш тизимини татбиқ этиш ҳам иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилгандир.

Шу билан бирга, чора-тадбирлар Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун кичик ва хусусий бизнесга тижорат банкларининг, шу жумладан, Имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, шунингдек, бир қатор қўшимча солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилган.

Уй-жой қурилиши ва, айниқса, якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омилидир. Фармонда мазкур йўналишда ихтисослашаётган ташкилотларни тузишни рағбатлантириш, уларга зарур замонавий ишлаб чиқариш-таъмирлаш базасини таркиб топтириш ва шакллантиришда ёрдам кўрсатиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича Фармон билан тасдиқланган Дастурда белгилаб қўйилган қўшимча чора-тадбирлар ички манбалар ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи ишончли захираларни яратиш имконини беради, бу эса жаҳон бозорларида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўсиб бораётган шароитда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Корхоналарни модернизация қилишда, экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда тижорат банкларининг муҳим ролини инобатга олган ҳолда, Фармонда банкларнинг реал сектор корхоналарини ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлашдаги жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш жаҳон молия-иқтисодий кризиси шароитларида ҳам реал сектор корхоналарининг барқарор ишлашини, иқтисодиётнинг муттасил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш ҳамда шу асосда мамлакатимизни янада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини тизимли, изчил ҳал этиш имконини беради.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Долзарб мавзу!

АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ КАСБЛАР

уларнинг қай бирига қизиқиш кучли?

Мактабда ўқиб юрган вақтимда ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Ота-онам эса сен албатта юрист бўласан дейишарди. Улар истаганидек лицейнинг ҳуқуқшунослик бўлимига ҳужжат топширдим. Аммо, у ерда ўзим истагандек ўқий олмадим. Ҳуқуқшунослик сирларини ўрганиш анча қийин кечди. Шундагина ота-онам менинг интилишимни ҳисобга олмай хато қилганлигини тушуниб етди. «Майли, ҳуқуқшунос бўлмаса, журналист бўла қолсин», деб менда ҳавас уйғотишди. Шундай қилиб, журналист бўлиш энг катта орзуимга айланди. Тўғри-да, ўзинг хоҳламаган соҳада бесамар ўралашиб юргандан кўра, ёқтирган касбингда жону дилинг билан ишлаган яхши эмасми? Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса...

Дугонам ўша вақтда юридик коллежга ўқишга кирди. Битиргач, ўзига мос иш топа олмади.

Чунки Тошкент шаҳридаги биргина 162-ўрта мактаб 9-г ва 9-б синф битирувчилари ўртасида ўтказилган сўровлар уларнинг деярли 50 фоизи юридик, 30 фоизи тиббиёт, 15 фоизи молия, банк, иқтисод, дипломатия соҳасини, қолган 5 фоизи эса бошқа — таржимонлик, ўқитувчилик, бизнес соҳаларини танлаганини кўрсатди. Фақатгина 2 нафар ўқувчи тикувчи-дизайнер бўлмоқчи экан!

Хўш, нега айнан юқоридаги касбларга қизиқиш катта? Мутахассислар буни шу соҳа эгаларининг нуфузи, номининг жарангдорлиги, турмушининг бекаму кўстлиги билан изоҳлашади. Яъни, бола ва ўсмирнинг ҳали тўла шаклланиб улгурмаган дунёқараши ва тушунчасида мазкур касб эгалари энг обрўли одамлар ҳисобланади.

Энди масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратайлик. Юқорида нуфузли деб аталган касблар бўйича коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш масаласи қандай кечмоқда? Ахир, ҳозир янги мутахассисликларга эҳтиёж кучли, анъанавий касбларга эса қизиқиш ҳамон катта-ю, талаб камроқ экани кузатиляпти-ку!

Бандликка кўмаклашиш марказларига шу масала билан мурожаат қилганимизда, улар акушерлик, ҳуқуқшунослик ва бухгалтерия соҳаси бўйича иш сўраб келган одамга ёрдам беришда қийналишаётганини, чунки бу соҳа бўйича бўш иш ўринлари камлигини айтишди. Маълумки, туманларда туғруқхоналар ҳисобли. Тиббиёт коллежларини эса ҳар йили юзлаб акушерлар битириб чиқади. Хўш, уларнинг қанчаси иш ўрнига эга бўлади? Ишга кира олмаганларнинг тақдири нима кечади? Ҳуқуқшунослик йўналишида коллежни тамомлаганларнинг ҳаммаси ҳам, табиийки, олий ўқув юртларига кира олмайди. Ўрта-махсус таълим ҳужжати билан эса ҳамма корхона ҳам уларни ишга олавермайди. Чунки, уларга олий маълумотли, корхонанинг ҳуқуқий муносабатларини юритадиган малакали мутахассис керак. Бу — табиий, албатта.

Учтепа туман Бандликка кўмаклашиш марказининг ёшларни иш билан таъминлаш масаласи бўйича бош мутахассиси Бахтиёр Худойназаров бу борада ўз фикрини қуйидагича изоҳлайди:

— Бизнинг туманда коллеж ва академик лицей битирувчилари 2008 йилда 2150 нафарни ташкил қилди. Шундан 2056 нафарининг бандлиги таъминланди. Аммо ёшларни ишга жойлаштиришда талаб ва эҳтиёж билан боғлиқ муаммолар бор. Масалан, куни кеча марказимизга қишлоқ хўжалиги коллежини тамомлаган, институтга кира олмаган бир йигит иш сўраб келди. Шаҳар шароитида қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича иш топиш қийин. Шунинг учун биз уни компьютер мутахассислигини ўрганиш учун ўқув курсимизга юбордик. Чунки, бугунги тезкор ривожланаётган жамиятда ахборот технологиялари, компьютер, ЭҲМ оператори, умуман замонавий техника билан бемалол ишлай оладиган мутахассисларга эҳтиёж кучли. Қизларга эса ошпазлик, дизайнерлик, тикувчилик курсларини таклиф қиламиз. Чунки бу курсларни битиришлари билан корхоналар уларни ишга таклиф қилади. Қолаверса, бундай мутахассислар касаначилик билан шуғулланиши ва ўзининг бизнесини йўлга қўйиши ҳам мумкин. Улар тайёрлаётган сифатли маҳсулотга бозорда доим эҳтиёж бор.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда маиший хизмат, ҳунармандчилик, техника соҳалари бўйича мутахассисларга талаб кучли. Айниқса, вилоятлар, чекка ҳудудларда бундай касб эгалари озчиликни ташкил қилади. Президент Ислом Каримов шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида бу масалага алоҳида тўхталди.

«Бугун бизни ғоят муҳим, принципиал бир масала безовта қилмаслиги мумкин эмас, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Яъни ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалий талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб ўрин топаяптими?

Ана шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганишимиз, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши реал ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истиқболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама чуқур аниқлашимиз лозим. Заруратга қараб, ихтисослик йўналишларига қатъий ўзгартиришлар киритиш, керак бўлса, айрим махсус касб-ҳунар таълим даргоҳларини қайта ихтисослаштириш даркор». Юртбошимизнинг кўрсатмасидан кейин, мавжуд аҳвол ўрганилди, талаб ва эҳтиёж ҳисобга олиниб, кўп жойда коллежларнинг ихтисосликлари ўзгартирилди. Бу ҳақда **ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари Анвар Юнусов** шундай дейди:

— Бугунги кунда мамлакатимизда жами 1332 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Улардан 178 тасида эҳтиёж йўқлиги сабабли коллежда 80 та ихтисослик бўйича кичик мутахассисларни тайёрлаш тўхтатилди. Бозор муносабати шароитида талаб ва шароитдан келиб чиқиб, 17 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицейнинг ихтисослиги тўлиқ, 22 тасида эса қисман ўзгартирилди. Мисол учун, Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежи Ахборот технологиялари, Зангиота туман қишлоқ хўжалиги коллежи Агросервис касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Нефть, газ, электр энергетикаси, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқатни қайта ишлаш саноати ҳамда бошқа соҳалар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, 74 та ихтисослик бўйича ўқувчилар қабул қилиш миқдори қўпайтирилди. 114 та талаб юқори бўлган ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда саноатнинг турли тармоқлари, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари бўйича мутахассисларга эҳтиёж юқори.

Касб танлаш фақатгина боланинг ихтиёрига қўйилса, кўпчилиги анъанавий, номи жарангдор, обрўси баланд касбларга ҳоҳиш билдириши табиий. Шунинг учун уларга ота-она ва мураббийлар тўғри йўл кўрсата билиши муҳим аҳамиятга эга.

— Ўқувчиларни касбга йўналтиришда устозлар асосий ўрин тутади, — дейди **касб-ҳунар таълими ўқитувчиси Холида Абдураҳмонова.** — Чунки, биринчидан, боланинг касб ҳақидаги тасаввури асосан ўқувчилик даврида шаклланади, иккинчидан, ўқитувчи ўз шогирдининг иқтидори, билими, қобилиятини яхши билади. Шу жараёнда уларга тўғри йўл кўрсатиши керак. Битирувчиларнинг ота-оналари билан суҳбат уюштириб, уларга фарзандининг қизиқишини ҳисобга олишини тушунтириш, улар билан бамаслаҳат амалий иш олиб бориш лозим. Чунки, кўп ўқувчилар иқтидори, лаёқати, энг ёмони, қизиқиши бўлмаса-да аксарият ота-оналари хоҳлаган касбни танлайди. Агар ота-она фарзандини қизиқиши ва қобилияти асосида касбга йўналтирса, жамиятнинг эҳтиёжини ҳам ҳисобга олса, фарзандининг моҳир ҳамда «харидоргир» мутахассис бўлиши аниқ. Қолаверса, қизиқишни болаликдан тарбиялаш, шакллантириш, ўсиб келаётган йигит-қизларнинг ақлий ривожланишига қараб, маълум соҳаларга йўналтиришнинг аҳамияти катта. Шу орқали унинг келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилади.

«Ўзингизни оқимга урманг. Оқим ичида йўқолиб кетиш мумкин. Имкон борича мутахассис камроқ соҳани танласангиз, муваффақиятга эришишингиз, иш жойингизни, ҳаётда ўз ўрнингизни топишингиз осон бўлади», — деган эди устозлардан бири. Ҳозир бу фикрнинг қанчалик аҳамиятга эга эканини тушуниш қийин эмас. Лекин биз бу билан анъанавий касбларни танламанг, демоқчи эмасмиз. Яхши мутахассис ҳар бир соҳада керак. Ҳатто ана шу кўпчилик танлаётган соҳаларда ҳам энг зўр мутахассис ўз билими ва иқтидори билан иш жойини, ҳаётда ўз ўрнини албатта топади. Қолаверса, ҳамкасблар ўртасидаги рақобат соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади. Аммо бугунги тезкор ривожланаётган жамиятга турли соҳалар талаб этаётган кадрлар, замонавий касбларни эгаллаган янги-янги мутахассислар зарурлигини ҳам унутмаслик лозим. Буни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.





Гулруҳ ОДАШБОЕВА

ЮКСАК ОРЗУ-УМИДЛАР ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШ

фаоллик, фидойилик ёшларни бирлаштирувчи асосий омиллардир

— «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти нималарга қаратилган? Ёш фаоллар, ёш етакчилар қандай ташаббусларни кўтариб чиқишмоқда?

— Биз соғлом фикрли, иймон-эътиқоди бут, билимли, юксак маънавиятли, салоҳиятли, мард ва жасур, ватанпарвар ёшларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Албатта, уларнинг мустақил фикрлашини рағбатлантириш, атрофга онгли муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга кўмаклашиш лозим. «Истиқбол»нинг муҳим вазифаларидан яна бири ёш етакчиларни тарбиялашдир.

Ёшлар қаноти етакчиси янгиликка интилувчи, ижодкор, ташаббускор, тенгдошларини битта аҳил оилага бирлаштира оладиган шахс бўлиши керак. У ёшларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиб, зарур ҳолларда ўзини моҳир педагог ва ижодкор сифатида намоён эта олиши лозим. Биз ёшлар қаноти етакчиларини тайёрлашда ҳамма жойда ҳам бу даражага эриша олганимиз йўқ. Аммо саъй-ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Бўсиз партиямизнинг ўзимизга тааллуқли дастурий вазифаларини амалга ошириш ва ёшлар қанотининг бошқа мақсадларини рўёбга чиқариш жуда қийин кечади.

Жойларда ёшларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш, ёшлар марказлари, қишлоқ ҳудудлари, узоқ туманларда ёшлар учун спорт ва маданий ҳордиқ чиқариш масканлари, кутубхоналарни ташкил этиш бўйича ташаббуслар «Истиқбол»чиларда бор. Чунки ёшлар орасида мониторинг олиб борилганда шу масалалар кўпроқ кўтарилган. Бу вазифаларни амалга оширишда ёшлар қаноти Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари, ижтимоий шерикларига таянади. Шу жараёнда партиянинг дастурий мақсадлари ҳам амалга ошади.

— ЎзХДПдан давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатлар билан ҳамкорлик, маҳаллий партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари орқали ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш масалалари ҳақида нималар дея оласиз?

— «Истиқбол»чилар ташаббуси билан партиянинг Жамоатчилик қабулхоналари қошида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари» ташкил этилди. «Тенгдош-тенгдошга», «Ёшлар — ёшлар орасида» акциялари ўтказилиб, ўз муаммоларимизни ўрганиш ва уларни ҳал этиш йўлларини излаяпмиз. Аммо бу иш ҳамма жойда бирдек йўлга қўйилган, дея олмайман. Биз бу ташаббусни республика миқёсида кенг ёйиш ҳаракатидамиз.

Сурхондарё вилояти Узун туманидан «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси Г.Хуррамова «Маликабону Зиё» ўқув маркази ташкил этди. Унда 6 та йўналиш — тикувчилик, қандолатчилик, ҳамширалик, сартарошлик, «Элита» пардалар тикиш курслари мавжуд, ҳозиргача 300 дан ортиқ йигит-қиз касб сирларини ўрганди. Гулзора ёш бўлишига қарамай катта ишга қўл урди. Бундай фаоллар сафимизда талайгина. Ёшлар қаноти эса бундай тенгдошларимизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади.

Ёшлар қаноти бўлимларининг Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу эса фаолларимизнинг депутатлар билан биргаликда ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, ҳужжатлар муҳокамасида иштирок этишига замин яратади. Бу борадаги ишларимизни ҳам такомиллаштириш зарур.

— Шу йилнинг бошида «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» танлови эълон қилинган эди. Бугунги кунда ушбу танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичлари якунланди. Унинг мақсади, мазмун-моҳияти, дастлабки босқичлар якунлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Ёшлар йили муносабати билан тенгдошларимиз ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, сиёсий билимни ошириш, фуқаролик жамияти қурилишида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қаноти бу танловни ташкил қилди. Бу фаолиятимизда янги йўналиш. Танловнинг шаҳар, туман, вилоятлар, Қорақалпоғистон республика босқичларида 4000 га яқин йигит-қизлар иштирок этдилар. Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларида сиёсат билимдонлари танлови юқори савияда ўтказилди. Лекин, афсуски, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида партия ташкилотлари томонидан бу борада эътиборсизликка йўл қўйилди.

Умуман олганда, дастлабки жараёнларни кузатиб, бемалол айтиш мумкинки, танлов ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Буни танловда бевосита ёки билвосита иштирок этган 100 нафарга яқин йигит-қизларнинг ЎзХДП сафига кириш истагини билдирганидан ҳам сезиш мумкин.

Иштирокчиларга қўйилган шартлар ёшлардан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис, сиёсий партиялар, сайловлар, ёшларга оид қонунлар ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Устави ва Дастурини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Унда 18 дан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари қатнашмоқда. Унинг якуний — республика босқичи 3 декабрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилади.

— «Истиқбол» ёшлар қанотининг келгуси режалари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Режаларимиз кўп. «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхона»ларини ҳар бир туманда ташкил этиш, фаолиятини такомиллаштириш, «Ёш сиёсатчилар» клублари ишини янада ривожлантириш вазифалари олдимизда турибди. Ёш раҳбар ва етакчиларни тарбиялаш мақсадида «Ёшлар жамоатчилик палатаси»ни ташкил этиш ҳам режамизда бор. Ёшлар эҳтиёжини ўрганиш мақсадида улар ўртасида сўровномалар ўтказиш, унинг натижалари бўйича партиянинг юқори органлари, депутатлик бирлашмаларига таклифлар киритиб боришни мўлжаллаяпмиз. Албатта, булар «Истиқбол»чилар фаолларидан ўзига хос қатъият, изланиш ва жонкуярликни талаб этади. Бу фазилатларга эга бўлган «Истиқбол»чилар сафи тобора кенгаймоқда.

Беҳзод ШУКУРОВ суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНГИ ҲАМКОРЛАР

«Ўзэкспомарказ»да ўтказилган «Чой ва қаҳва — 2008» 3-ихтисослашган кўргазмада жаҳоннинг 14 та давлатидан 50 та компания ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Кўргазма иштирокчилари севимли ичимликлар, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ турли анъаналар билан яқиндан танишдилар, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

— Кўргазмада иккинчи иштирокимиз, бир неча турдаги маҳсулотларимизни намойиш қилдик, — дейди Озарбайжоннинг «Azersun Holding» компанияси вакили Козим Бабаев. — Чой, қаҳва, мураббо ва бошқа турдаги маҳсулотларимиз билан жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўлиб, Россия, Шри Ланка, Европа ва Яқин Шарқнинг кўпгина мамлакатлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Тошкентдаги кўргазмада иштирок этиб, Ўзбекистонда ҳам ҳамкорларимизни топдик.

САВДО МАЖМУАСИ ХАРИДОРЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

Қаршидаги Баҳодир Шерқулов кўчасида янги «Шердор» савдо дўкони қад кўтарди. У замонавий ва миллий меъморчиликни уйғунлаштириб қурилган. Савдо мажмуида бешта бўлим бўлиб, уларда турфа озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари муҳайё.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Хизмат ва тўлов

ТАЪМИНОТ СИФАТИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МЕЗОН

табиий газнинг истеъмолчиларга бир меъёрда етказилиши тўловларнинг вақтида амалга оширилишига боғлиқ

Фарғона вилоятида истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, тўловларни ундириш ва дебитор қарзни камайтириш, куз-қиш мавсумини кўнгилли ўтказиш «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг долзарб йўналиши ҳисобланади.

2008 йил манзилий дастурига кўра, вилоят бўйича режада белгиланган 8,7 км. ўрнига 11,2 км. газ тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 2,3 км. газ тармоқларида жорий таъмирлаш, 22,6 км. газ тармоқларида реконструкция ишлари амалга оширилди. Шу кунларда Қува тумани маркази аҳолиси табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида Қува ГРСдан 273 мм. диаметрдаги узунлиги 7,4 км ЛУПИНГ газ кувури тортиш ишлари давом этмоқда. Ушбу тадбир якунига етса, яна 10 мингга яқин хонадонда газ таъминоти яхшиланади. Шунингдек, Данғара туманидаги «Кичик турк» ва «Ялтир» қишлоқлари газ таъминотини барқарорлаштириш мақсадида 3 км. газ қувури мукаммал таъмирдан чиқарилди ва 4 мингга яқин хонадон газ таъминотида ижобий ўзгариш бўлди. Бундан ташқари, Охунбобоев туманининг «Бўстон» қишлоғига Олтиариқ ГРСдан 4,0 км. узунликда иссиқлик тармоғи келтирилди. Марғилон шаҳри, Олтиариқ, Учкўприк, Ёзёвон туманларида ҳам ўнлаб километр газ қувурлари таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги «Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу икки шаҳарда кенг кўламли ишлар амалга оширилди, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳисобидан 2008 йилга режалаштирилган 2,1 млрд. сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилди. Натижада, Қўқон шаҳридаги «Устабозор» кўчаси бўйлаб «Ўрганжибоғ» ҳудудига 219 мм. диаметрдаги 3,1 км. Навоий кўчасида эса, узунлиги 1,9 км. бўлган 530 мм диаметрли газ қувурлари фойдаланишга топширилди.

— Табиий газ учун тўлов тизимини такомиллаштириш мақсадида ўтган йилнинг октябрь ойида вилоятнинг Фурқат туманида «PAYNET» электрон тўлов тизими тажриба сифатида йўлга қўйилган эди, — дейди «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси бош муҳандиси Абдуғаффор Қодиров. — Шуни айтиш керакки, бу тизим орқали биринчи навбатда аниқ ҳисоб-китоб йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тўланган маблағлар, шунингдек, агент томонидан мижознинг хонадонида ўтказилган қайта хатлов натижаси ва газ ҳисоблагич кўрсаткичи электрон тизим орқали шу заҳотиёқ компьютер базасига тушиши каби афзалликлар кузатилди.

Яқинда замонавий тизим вилоятнинг Фарғона ва Қўқон шаҳарларида ҳам йўлга қўйилди. Шу кунларда бу тажрибани бутун вилоятга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Ҳисоб-китоб борасида гап кетганда, яна бир ижобий ўзгаришга тўхталиш керак бўлади. Фарғона вилоятида 19 та шаҳар ва туман бўлиб, уларнинг бўлиниш чегараларидаги 46 та йўналиш бўйича бир-бирига газ қувурлари ўтказилган. Яъни, барча шаҳар ва туманларнинг табиий газ истеъмоли бир-бирига бевосита боғлиқ. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан вилоят учун 51 дона электрон газ ҳисоблагич ажратилди. Жорий йилнинг июль ойида барча шаҳар ва туманларнинг бўлиниш чегараларида электрон газ ҳисоблагичлар ишга туширилиб, ҳар бир ҳудуддаги газ сарфи бўйича аниқ ҳисоб-китоб юритилмоқда, шу вақтгача бўлган барча ноаниқликларга чек қўйилди.

— Аммо, табиий газ таъминотини яхшилаш борасида ана шундай ижобий ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, аҳоли, қолаверса, улгуржи истеъмолчилар томонидан фойдаланилган газ учун тўлов изчил бўлмаяпти, — деб давом этди бош муҳандис. — Вилоятдаги истеъмолчилар қарздорлигининг юқорилиги фикримнинг тасдиғидир. Мисол учун, Қува туманидаги «Уста Пазлиддин» корхонаси қарздорлиги 867,2 минг сўм, Фурқат туманидаги «Шерхон» хусусий фирмаси қарздорлиги 180,1 минг сўм, Қувасой шаҳрида яшовчи фуқаро Тўйчиевага қарашли иссиқхона қарздорлиги 133,1 минг сўм. Тўлов муддати ўтиб кетган. Аммо шунга қарамай, ҳисоб-китоб қилиш пайсалга солиб келинмоқда. Оқибатда биз бундай истеъмолчиларни табиий газ тармоқларидан узиб, тегишли ҳужжатлар асосида хўжалик судига бераяпмиз...

Дарҳақиқат, табиий газ таъминотининг бир меъёрда бўлиши, биринчи навбатда, тўловларнинг вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Қарс икки қўлдан, деган ҳикматнинг маъноси шу. Буни ҳам унутмаслик керак!

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Қарор ва ижро

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИГА ҚУЛАЙЛИК

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ органларига ҳар ойда эмас, балки чорақда бир марта тақдим этиш тартиби ўрнатилди. Солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг аввал амалда бўлган муддатлари сақлаб қолинди. Хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари — мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини назорат қилиш мақсадида — давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисоботни ҳар чорақдан кейинги ойнинг 25-кунигача тақдим этиши белгилаб қўйди. Корхона ҳисобчиси ҳисоботларни тақдим этиш учун ҳар чорақда бир маротаба рўйхатдан ўтган туман инспекциясига мурожаат қилади, яъни бу билан у ортиқча расмиятчиликдан халос бўлади, навбатда туриб ҳисобот тақдим этиш учун кетадиган вақтини, келиб-кетиш харажатларини тежайди.

Давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда маълумот, маълумотнома ва ҳужжатлар (қонунда белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаб бундан мустасно), бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан қонунда кўзда тутилмаган ахборот, жумладан, ҳисобот, маълумот, маълумотнома ва ҳужжатлар талаб қилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчиларга ҳисоботларни топширишда қулайликлар яратиш мақсадида туман Давлат солиқ идораларида ҳисоботларни қабул қилиш учун махсус операцион заллар ташкил этилиб, ҳисоботлар битта жойда топширилиши ташкиллаштирилди.

Солиқ тўловчилардан қўшимча ҳисобот ва маълумотлар талаб қилишнинг олдини олиш ҳамда солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликларни кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида солиқ тўловчилар ҳисобот ва ҳисоб-китобларини компьютер дастурий воситаси орқали тақдим этилиши йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор микрофирма ва кичик корхоналар иши янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши кундан-кунга ортиб бораётир.

Маҳамаджон НИЯЗОВ,
Ҳамза туман ДСИ шўъба бошлиғи.

Эълон

КОМПЬЮТЕР ВА ОРГТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҲАМДА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия вилоят бўлинмалари ҳамда марказий аппаратини жиҳозлаш учун компьютер ва оргтехника ҳамда бошқа ускуналарни харид қилиш бўйича тендерни давом эттиради.

Тендерда қатнашиш учун харид қилинадиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчилари ва (ёки) етказиб берувчилари ҳисобланган ташкилотлар ёки уларнинг тендер предметига мос сертификатланган маҳсулотларни Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича тажрибаси бўлган расмий дилерлари (дистрибьютерлари) таклиф этилади.

1. Тендер предмети

1.1. Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотларида ва партия марказий аппаратида автоном ўрнатиш учун автоматлаштирилган ишчи станциялар.

Талаблар:

Мазкур ишчи станциялар Intel Celeron D, Core Duo ёки уларга ўхшаш процессорли шахсий компьютерлар негизида қурилган бўлиб, қуйидагиларни таъминлаши лозим:

Mikrosoft Office 2003, 2007 ва уларнинг пакетларига мос бошқа стандарт офис иловаларидан фойдаланган ҳолда Windows XP, Windows Vista оиласига мансуб амалиётлар тизими бошқаруви остида самарали ишлаш;

dial-up ва самарали on-line коммуникациялари режимида Интернетга уланиш, шу жумладан, ичига ўрнатилган ёки ташқи web — камерадан фойдаланган ҳолда электрон почта ва видеокоммуникацияни алмашиш;

flash-элтувчи ва CD/DVD дисклардa электрон ахборотни ўқиш ва ёзиш;

электрон элтувчилардаги аудио ахбороти колонкалар ёки наушниклар орқали эшитиш ва микрофон орқали электрон элтувчиларга аудио ёзув.

Ишчи станция комплектига кирувчи периферия асбоб-ускуналари қуйидагиларни таъминлаши лозим:

юқори сифатли оқ-қора лазер босмаси;

ҳужжатларни сканерлаш ва улардан нусха кўчириш, уларни факсимил алоқа ёки электрон почта воситалари орқали қабул қилиш ва узатиш.

Харид ҳажми — маҳаллий ташкилотларда ўрнатиш учун 15 комплект ва марказий аппаратни жиҳозлаш учун 8 комплектга қадар.

1.2. Тегишли периферия асбоб-ускуналари, мультимедиали проектор ва экран ҳамда 3 та автоматлаштирилган иш ўринли бош компьютердан иборат компьютер мини-синфи.

Талаблар:

Мазкур қурилма Intel Celeron D, Core Duo ёки уларга ўхшаш процессорли шахсий компьютерлар негизида қурилган бўлиб, қуйидагиларни таъминлаши лозим.

Microsoft Office 2003, 2007 ва уларнинг офис пакетларига мос стандарт офис иловаларидан фойдаланган ҳолда Windows XP, Windows Vista оиласига мансуб амалиёт тизимлари бошқарувида самарали ишлаш;

Интернетга ажратилган линия орқали бош компьютер бошқаруви остидаги локал тармоқ орқали иш ўринларига назорат остида киришни таъминлаган ҳолда уланиш;

барча иш ўринларида flash-элтувчидаги ва бош компьютерда CD/DVD дисклардаги электрон ахборотни ўқиш ва ёзув;

электрон элтувчилардаги аудио ахборотни наушниклар орқали тинглаш ва микрофон орқали электрон элтувчиларга аудио-ёзув;

тақдимот ахборотини бош компьютер, шу жумладан, TV тюнердан ахборотни мультимедиа проектори ва колонкаларга чиқариш.

Мини-синф комплектига кирувчи периферия қурилмаси бош компьютер орқали қуйидагиларни таъминлаши лозим:

юқори сифатли оқ-қора лазер босмаси;

ҳужжатларни сканерлаш ва улардан нусха кўчириш, уларни факсли алоқа ёки электрон почта воситалари орқали қабул қилиш ва узатиш.

1.3. Харид этилаётган қурилмани электр манба тармоғига улаш учун Pilot русумли тармоқ фильтлари.

Харид ҳажми — етказиб бериладиган комплектлар сонига кўра.

2. Етказиб беришни бажариш шарти — харидор омборхонаси.

3. Етказиб беришни бажариш муддати — келишилган жадвалга мувофиқ.

4. Тендер аризаларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2008 йил 15 декабрь Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Таклифлар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 15.00 гача қуйидаги манзилда: Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3 да қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали ҳар куни Тошкент вақти билан соат 9.00 дан 18.00 гача олиш мумкин: (+99871) 239-42-47, факс: (+99871) 239-13-20.

Шошилинч қўндирилган

Никарагуа пойтахти — Манагуада йўловчи самолёт шошилинч тарзда қўнишга мажбур бўлган. Коста-Рикадан учаётган Америка «Continental Airlines» авиакомпаниясининг «Боинг-737» самолёти двигателларидан бирида келиб чиққан носозлик туфайли учувчилар кабинаси тутунга тўлган. Ана шунда экипаж самолётни шошилинч тарзда Никарагуада қўндиришга қарор қилган. Йўловчиларга ҳеч қандай шикаст етмаган.

Социал-демократлар муваффақияти

Руминияда 30 ноябрь куни ўтказилган парламент сайловида Социал-демократик партия ғолиб чиққан. Участкалардан чиқаверишда сайловчилар билан бўлган сўровномаларга мувофиқ, социал-демократлар 36 фоизга яқин овоз олишга эришган. Иккинчи ўринда президент Траян Басескуга яқин бўлган Либерал-демократик партия турибди, у қарийб 30,5 фоиз овоз тўплаган. Сайловда қатнашганларнинг тахминан 20 фоизи эса бош вазир Кэлин Попеску-Тэричанунинг марказчи Миллий-либерал партияси учун овоз берган. Associated Press агентлигининг қайд этишича, одатда бундай сўровномалар натижалари сайловнинг расмий натижаларидан унчалик ҳам фарқ қилмайди. Таҳлилчилар мухолиф партиянинг муваффақиятини фуқароларнинг глобал молиявий-иқтисодий таназзули билан боғлашмоқда.

Парламент сайловида салкам 18 миллион киши қатнашган. Дарвоқе, овоз бериш илк бор партия рўйхати билан эмас, балки алоҳида номзодлар бўйича ўтказилган. Айтиш керакки, социал-демократлар олган овоз парламентда кўпчилик ўринни эгаллашга имкон бермайди. Шу боис уларнинг Миллий-демократик партия билан музокаралар олиб боришига тўғри келади.

Миш-миш ва ҳақиқат

Шимолий Кореянинг расмий оммавий ахборот воситаларида мамлакат раҳбарининг янги суратлари чоп этилган. Улар Ким Чен Ирнинг инсультни бошидан кечирганлиги боис танаси сўл қисмининг ишламаётганлиги ҳақидаги миш-мишларга барҳам беришга қаратилган. Қайд этилишича, ноябрь ойида чоп этилган аввалги фотосуратлардан бирида Ким Чен Ир чап қўлини кўтармагани унинг саломатлиги ҳақидаги миш-мишларнинг кучайишига сабаб бўлган.

Эслатиб ўтамиз, мамлакат раҳбарининг оғир бетоблиги ҳақидаги миш-мишлар унинг ҳаттоки КХДР ва Шимолий Корея компартиясига асос солинган кунларга бағишлаб ўтказилган тантаналарда ҳам иштирок этмагани сабабли кучайган.

Ўн кунча вақт керак

Душанбага ўтар кечаси Шимолий Курильскдаги дизель электростанциясида содир бўлган ёнғин натижасида барча дизель-генераторлар ишдан чиққан. Шаҳар электр қувватидан буткул маҳрум бўлган. Ёнғин сабаблари ҳозирча номаълум. Дастлабки маълумотларга қараганда, қурилиш ишларини олиб бориш чоғида техника хавфсизлигига риоя этилмаганлиги боис ёнғин келиб чиққан.

Бугун Шимолий Курильск жойлашган Парамушир оролига дизель-генераторларни ортган «Гипанис» теплоходи жўнатилади. ФВВ матбуот хизматининг хабарига қараганда, Шимолий Курильскка мазкур захира манбааларини етказиш ва ўрнатиш учун ўн кунча вақт керак.

Эълон

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектдаги қолдиқ иш ҳажмларини бажаришга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

◆ **Андижон шаҳар, Чет тиллар институти қошидаги Академик лицейнинг ётоқхона биноси қурилишидаги қолдиқ иш ҳажмларини бажариш.**

Буюртмачи: Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси. (Тошкент шаҳри, Саидов кўчаси, 76,
тел: (8-371) 227-18-79)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари,

◆ **Андижон вилояти, Улуғнор туманидаги Улуғнор тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими биносини капитал таъмирлаш.**

Буюртмачи: Улуғнор тумани тиббиёт бирлашмаси (Улуғнор туман маркази, Маматов кўчаси, 1-уй, тел: (8-374) 761-10-16).

Таъмирлаш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

◆ **Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Қизил уй» ва «Янги ариқ» қишлоқлари ички хўжалик йўлининг 1+350 км.даги Шаҳрихонсой устидан ўтувчи темир-бетон кўприги яроқлилигини таъминлаш учун гидротехник иншоот қурилиши** (иншоот қурилишида ишларни бажариш учун рухсатнома (лицензия) талаб қилинади).

Буюртмачи: Булоқбоши туман коммунал хўжалиги ободонлаштириш бўлими (Андижон вилояти, Булоқбоши туман маркази)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

◆ **Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги 38-сонли умумтаълим мактабини капитал реконструкция қилишга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича қайта танлов савдолари ўтказилади.**

Буюртмачи: вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. (Андижон шаҳар, А.Навоий шоҳ кўчаси, 45-уй, тел: (8-374) 224-19-97).

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган Республика бюджетдан ташқари Мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Андижон вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй,
тел/факс: 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда юзга яқин дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёфарм» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Универсалфарм», «Самсун», «Ремеди» қўшма корхоналари, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик компаниялари шулар жумласидандир.

СИФАТ — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси республикамиздаги дори воситалари билан шуғулланувчи етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Ушбу компания ўзининг ҳудудий бўлимларига эга бўлиб, ушбу тизим тасарруфида 8 та акционерлик ҳамда 10 та шўъба корхонаси, 18 та дори воситаларини сақлаш, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси мавжуд.

Ҳозирги кунда «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига қарашли 594 та дорихонанинг 366 таси қишлоқларда жойлашган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамизда беморларни имтиёзли (бепул) дори-дармонлар билан таъминлаш умумқийматининг 75 фоизи компания дорихоналари зиммасидадир. Шунингдек, компания 2500 хилдан ортиқ сертификатланган дори-дармонлар, фито-препаратлар, санитария жиҳозлари ҳамда бошқа фармацевтика маҳсулотлари ҳам тайёрлайди.

Дунёда фарм саноати кун сайин ривожланиб боряпти. Республикамизда бошқа соҳаларда бўлгани каби доришуносликда ҳам халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Дунёнинг элликдан ортиқ давлатларидаги 100 дан зиёд дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатганмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси бошқарув раисининг ўринбосари Мирмаъсуд Файзиев. — Ҳамкорлигимизнинг натижаси ўлароқ, аҳолига арзон нархдаги дори воситаларини етказиб бериш имкониятига эга бўлдик.

Кези келганда, шуни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчи эдикки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида, «002» маълумот хизматини ташкил этганмиз. Ҳар бир киши бу қулайлик орқали пойтахтдаги 25 та дорихонадан ўзига керакли дори-дармон ҳақида батафсил маълумот олиши, нарх-навосидан хабардор бўлиши мумкин.

Шу ўринда эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Компаниямиз дорихоналари билан хусусий дорихоналар ўртасида тафовут бор, ҳар бир дорихонамиз пештоқига «Дори-дармон» деган ёрлиқ осилган. Буни айтишимдан мақсад шуки, кейинги пайтларда баъзи бир дорилар сифати бўйича эътирозлар туғилмоқда. Ҳатто бизнинг дорихоналарни хусусий дорихоналар билан янглиштириш ҳоллари учрамоқда. Шуни унутмаслик керакки, сифатли доригина дардга дармон бўлади. Биз эса компаниямиз дорихоналаридаги барча дори-дармонлар сифатига кафолат берамиз. Улар сертификатланган.

Дарҳақиқат, компаниямизнинг фаолияти серқиррадир. Компаниямизга қарашли «Дори-дармон Гарант» шўъба корхонаси хусусий тадбиркорларга божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, дори-дармон маҳсулотларини омборларда сақлаш хизматини ҳам таклиф этади. Компаниянинг «Дори-дармон Инвест» шўъба корхонаси эса Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги маркетингни ўрганиш, дори маҳсулотларини рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланади.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси ўз фаолиятида асосий эътиборни барқарор ривожланишга қаратиб келяпти. Натижада компания республикамизда ўзининг рақобатбардош, сифати кафолатланган маҳсулотлари билан пешқадамлик қилиб келяпти.

Ҳар қандай соҳанинг тараққиётида кадрларнинг салоҳияти муҳим ўрин тутади. Зеро, компания тизимида менежментлар, олий ва 1-тоифали доришунослар хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси жамоаси халқимиз сиҳат-саломатлигини сақлашдек эзгу мақсад йўлида изчил изланишлар олиб бормоқда.

Абдурашид НУРМУРОДОВ,
журналист

✓ **Баркамол авлод орзуси**

«БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР ОРАМИЗДА»

— дейдимоқда Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежи бокс бўлими тарбияланувчилари

— Айни пайтда бу ерда олти юздан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўн олти тури бўйича ўз маҳоратини оширмоқда, — дейди коллеж директори Эркин Қодиров. — 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб эркин кураш ҳамда таэквондо (WTF) бўлимлари фаолиятини йўлга қўйдик. Моҳир спортчиларни тарбиялаш мақсадида мураббийларимиз малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Яна бир янгилик, шу йилнинг июль ойидан таниқли боксчи, Осиё чемпиони, Афро-Осиё ўйинлари ғолиби ҳамда Сидней олимпиадаси совриндори Рустам Саидов мураббий сифатида иш бошлади.

— Рустам ака бокс бўлимида бош мураббий бўлиб иш бошлаганлигини эшитиб, роса хурсанд бўлдик, — дейди коллеж ўқувчиси, ёшлар ўртасида 52 кг. вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони Дилёрбек Аҳмедов. — Истеъдодли боксчининг қўл остида машғулотлар ўтказишни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Аҳмад Мамажонов (70 кг.), Бекзод Йўлдошев (64 кг.) каби тенгдошларим билан мамлакат биринчилигида ғалаба қозониб, қатор халқаро турнирларда совриндор бўлгандик. Келгуси мақсадимиз устозимиз Рустам Саидовга ўхшаб, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпия ўйинларида ғолиб чиқиш.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат.

ВОЛЕЙБОЛ: БИРИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИ

Спорт

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон XVII чемпионати биринчи тур баҳслари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли олти жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борди.

Бундан бир ой илгари Олмаликда ўтказилган Ўзбекистон кубоги ярим финалида мамлакатнинг амалдаги чемпиони «УЗИ-Самарқанд» жамоаси «Олимжон Акбаров» волейболчиларига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйган эди. Финалда эса яйпанликлар ОТМК вакилларига имкониятни бой беришганди. Бу гал эса аксинча, самарқандликлар «Олимжон Акбаров» жамоасидан устун келишди — 3:1. Ўзбекистон кубоги соҳиби олмаликликлар эса яйпанликлардан енгилди — 2:3.

— Ўтган мавсумда жамоамиз чемпионатнинг бронза медалига сазовор бўлганди, — дейди «Олимжон Акбаров» жамоаси бош мураббийи, миллий тоифадаги ҳакам Иззат Зоҳидов. — Янги мавсумни мамлакат кубоги баҳсларининг амалдаги финалчиси сифатида бошлаган волейболчиларимиз ўз олдиларига янада юксак мақсадларни қўйишган. Жамоанинг ўтган йилги ўзагини сақлаган ҳолда таркибимизга бир қатор ёш ва умидли ўйинчиларни жалб этдик. Дастлабки турни чемпионат жадвалида иккинчи ўрин билан якунлаяпмиз. Қувонарлиси, ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан мутахассисларда илиқ таассурот қолдирган Илёс Мелиев, Нодир Содиқов, Жамшид Норбўтаев, Хуршид Ҳамроқулов каби волейболчиларимиз Ўзбекистон терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинларига жалб этиладиган бўлди.

Биринчи турдан сўнг, «УЗИ-Самарқанд» жамоаси (10 очко) чемпионат жадвалида пешқадамлик қилаётган бўлса, «Олимжон Акбаров» (9) ҳамда ОТМК (8) волейболчилари кейинги поғоналарни банд этишган. Иккинчи тур ўйинлари келаси йилнинг февраль ойи охирида Яйпан шаҳрида ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО

✓ **Афсона ва ҳақиқат**

СИРЛИ САРҲАД

Болалигимизда одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган сахролар тўғрисида кўп эртак эшитганмиз. Улғайгач эса кемалар, самолётлар изсиз йўқоладиган уммон ҳақида ўқий бошладим ва ишониб-ишонмай дунё харитасидан Атлантика океанида жойлашган Бермуда орол-ларини изладим.

Эндиликда бу сирли сарҳад тўғрисида бири-биридан ваҳимали кўплаб маълумотлар тўпланган ва саргузаштталаб одамлар учун турли ваҳимали эсдаликлар ҳам ёзилган. Яхшиси, сиз ҳам дунё харитасига қараб Бермуда ороллари-дан Пуэрто-Рикога, у жойдан Флоридага, кейин эса Флоридадан Бермуда ороларига хаёлан чизиқ тортинг. Ҳосил бўлган учбурчак Бермуда учбурчаги деб аталади. Айнан шу учбурчакда дунё аҳлининг ақлини шоширган ҳалокатлар рўй берган.

Денгизчилар томонидан бу сирли сарҳад «Қарғиш теккан жой», «Ажал денгизи», «Атлантика қабристони» каби қўрқинчли номлар билан аталган. «Бермуда учбурчаги» атамаси эса 1964 йилдан қўлланила бошланди. Бу атаманинг дунё луғатига киришига америкалик адиб Винсент Гладдиснинг ўша йили журналда эълон қилган «Хатарли Бермуда учбурчаги» мақоласи сабабчи бўлди.

Айрим кишилар Бермуда учбурчаги ҳақида гап кетганда, унинг ҳам бошқа жойлардан фарқи йўқ, кемалар барча денгизда ҳалокатга учрайди, дейишади. Лекин бу учбурчакнинг айрим жойларида компаснинг тўғри кўрсатмаслиги, баъзан балиқларнинг қорнини тепага қилиб сузишлари, сув юзасида ёғдулар жилваланиши бор гап. Бу ёғдулар жилваланиши ҳақда Христофор Колумбнинг кема журналида, «Аполлон-12» фазовий кемаси астронавтлари ҳисоботларида қайд этилган. Асосийси, ушбу сарҳадда денгиз сукунати кутилмаганда бузилади, бўрон бошланади, тўлқинлар 30 метрдан зиёд баландликка кўтарилади.

Бермуда учбурчагидаги XIX асрда рўй берган ҳалокатлар ҳам ёзиб қолдирилган. 1840 йилда Багам ороллари яқинида шу ҳудуддан сузиб келаётган Франциянинг «Розали» кемаси кўринди. Кема бус-бутун, лекин кема аъзоларидан ҳеч ким йўқ эди. 1881 йилда «Элен Остин» кемаси аъзолари шу ҳудудда кичикроқ юк кемасига дуч келишди, унда ҳам ҳеч ким кўринмади. 1918 йилда 309 нафар аъзоси бор АҚШнинг улкан «Циклоп» кемаси шу ҳудуддан ўтаётганда дом-даракси йўқолди. 1924 йилда Японияннинг «Райфуку Мару» юк кемаси ҳам шу ерда ном-нишонсиз кетди. 1945 йил 5 декабрда АҚШнинг бешта «Эвенжер» бомбардимончи самолёти Бермуда осмонидан учиб ўтаётганда охирги хабарини ҳақда Христофор Колумбнинг кема-рини қидиришга жўнатилган «Мартин Маринер» самолёти ҳам қайтиб келмади. 1950 йилда АҚШнинг Венесуэлага жўнатилган «Сандра» юк кемаси, 1965 йил 6 июнда АҚШнинг С-119 типидаги самолёти ҳам шу ҳудудда ҳалокатга учради. Хуллас, ўтган йилларда бу ажал маконида юздан зиёд катта кема ва самолётлар ҳалокати қайд этилган.

Албатта, ҳалокат сабаблари тўғрисида турли гап-сўзлар тарқалган. Айримлар уларни Атлантида ороли одамлари океан тубига олиб кетишган дейишса (машҳур юнон олими Платоннинг ёзишича, Атлантика океанида жойлашган Атлантида ороли Гибралтар бўғози яқинида бўлиб, бундан 10 — 12 минг йиллар илгари сув тагида қолган), бошқалар уларни номаълум учувчи жисм (НУЖ)ларда ташриф буюраётган фазовий келгиндилар ўғирлаб кетишяпти дейишади. Бу гап-сўзлар ноўринлигини америкалик ёзувчи Лоуренс Дэвид Куше 1975 йилда нашр эттирган «Бермуда учбурчаги: афсона ва ҳақиқат» китобида ҳужжатлар асосида, илмий хулосаларга таянган ҳолда исботлаб берди.

2001 йилда янги илмий фараз илгари сурилди. Унга кўра денгиз тубида ҳосил бўладиган метан гидратининг парчаланиши ҳалокатга сабабчи бўлар экан. Дарҳақиқат, метан гидрати парчалаганда сув зичлиги камаяди, юзасида гирдоб ҳосил бўлиб, атрофдаги нарсаларни ўзига тортади. Тўғри, бундай гирдоб денгиз юзасидан кемани ютиши мумкиндир. Бироқ, катта тезликда осмондан учиб ўтаётган бешта «Эвинжер» самолётини тортиб олишини ақлга сиғдириш қийин. Шу боис Бермуда учбурчаги сири ечим топди, дейишга ҳали эрта.

Денгизчилар, учувчилар эса хатардан холи бўлиш учун Бермуда учбурчагини айланиб ўтишни афзал кўришади. Эҳтиёт чораларини кўрган яхши, лекин тақдирдан қочиб бўлармикан?

Асрор МЎМИН

ЎЗБЕК САНЪАТИ ҚОҲИРАДА

Мисрнинг Қоҳира шаҳрида анъанавий халқаро театр санъати фестивали бўлиб ўтди. Йигирманчи маротаба ўтказилаётган ўзига хос байрамда Россия, Қозоғистон, АҚШ, Бразилия, Ҳиндистон, Италия, Испания каби давлатлардан ташриф буюрган элликка яқин жамоа иштирок этди. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси фестивалда ўзининг «Қайсар чолнинг қуёлиши» комедияси билан қатнашди. Ушбу саҳна асари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Олов — тилсиз ёв!

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 7-даҳада истиқомат қилувчи К.Пакнинг хонадонида электр пайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатида фалокат рўй берди. Ёнғин уй эгаси ҳаётига завол бўлди.

Ёки бошқа бир ҳолат, дейлик, қўшнингиз уйида ёнғин содир бўлди. Бунга ачинасиз албатта. Чунки у яқин кишингиздек азиз бўлиб қолган. Қолаверса, олов сизнинг уйингизга ўтиб кетмайди, деб ким кафолат беради?!

Кўриниб турибдики, биргина сизнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингиз тинч, осуда яшашингиз учун тўла асос бўлолмайди. Қўлдан келганча ёнатрофдагиларни ҳам ҳушёрликка чақиришингиз нур устига аъло нур. Масалан, кундалик ҳаётимизни «зангори олов»сиз тасаввур этиш қийин. Ундан тўғри фойдаланиш — ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик билан чиққан ёнғин оилага ҳам, давлатга ҳам катта моддий зарар келтириши мумкин.

Зеро, олов — тилсиз ёв. Ҳар биримиз хонадонларда, жамоат жойларида унга қарши барча эҳтиёт чораларини кўриб, доимо ҳушёр бўлмоғимиз жоиз. Бу — бизнинг фуқаролик бурчимиз!

Убайдулла УТАБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХЁХО инспектори.

Эълон

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: **«Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази биноларини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга**

Муддати — *2009 йил 20 март.*

Буюртмачи: *Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси.*

Манзили: *Фарғона шаҳар, М.Ғолиб кўчаси, 1-уй,*
телефон: 224-94-45, 223-00-45

Таъмирлаш ишлари: *маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.*

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: *етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda